



Жиззах қузғолони

ФОЗИЛ ИУЛДОШ УҒЛИ

Езиб олувчи

МАҲМУД ЗАРИФОВ

Нашрга тайёрловчи

ҲОДИ ЗАРИФ



Б

ир-бирига ёрдам бериб,
Жаҳон уруши бошланиб,
Бу ётган мулкнинг устида
Подшолар итдай талашиб,
Бир аломат уруш бўлди,
(Ит эгага боқмай қолди.)
Мен ҳам четда қолмайин деб,
Сўнгра Америка келди.
Подшоман деган тортишди,
Ўлик-ўликка айқашди,
Кўрганларнинг ақли шошди.

Унгу сўлни олиб туман,
Бир-бирига бермай омон,
Қон қуйилган ёмон замон,
Тушган қолмай ётир омон,
Бел бериб урушда Герман,
Йўлиққанга босим келган,
Ўлаётган ишчи-деҳқон,
Подшоларнинг иши ёмон.
Бўшаб қолди мазна жойлар.
Бу ўлганга сабаб бўлган,
Ифвогар ўртада бойлар,
Буларда раҳм бўлмайди,
Урушга борган камбағал

Сира ҳам омон келмайди.
Шундай бўлди қаттиқ куни.
Бир неча ишчи-деҳқоннинг
Урушда ўлган ёлғиз ули.

Ота-эна йиғлаб қолиб,
Қаттиқ бўлди кўрган куни.
Ҳаддан кўндир ўйлаб турса,
Қурсин подшонинг зулми.
Бунда элат шундай бўлди,
Завод, фабрик бўшаб қолди.
Рабочи, меҳнаткаш барин
Ҳайдади, урушга солди.

Меҳнаткаш боши ганг бўлди,
Қайгу, ғам, кулфатга тўлди.
Раҳм қилмас кўз ёшига,
У тоб бермас зулм ишига.
Кетмон бериб ўр қаздирди
Қари-қартанг чол кишига.

Бу аломат ажаб кунлар,
Ўртада қанча ўликлар.
Ўр қаздириб, йиғиб, кўмар,
Бу уруш ода бўлмайди,
Меъёрин ҳеч ким билмайди.
Кунда қанча одам ўлар.

Лашкарда тоқат қолмайди.
Ўз кўнгли билан бош кўтариб —
Ҳеч ким урушга бормади.
Устидаги катталари,
Уруш навбати келган сўнг,
Қиличин яланғоч қилиб,
Дўқлаб урушга ҳайдайди.
Бундан қанча одам ўлди.
Ўз ҳолига қўймай халқди
Қайта-қайта чиқим солди.
Иш тайини бўлмай қолди.

Ҳамма урушда, қиёмат!
Урушда бўлган харажат,
Қайдан топиб берсин элат!

Топмаганга қилар бунда
Амалдор катта сиёсат.

Сўрамас бечоранинг ҳолин,
Бундай кунлар бўлағой¹са
Соттириб олади молин.

Ҳамма бўлиб қолди ҳайрон,
Нечовнинг ватани вайрон.
Шундай замон уруш бўлди,
Ҳамма саросима бўлиб,
Жуда қаттиқ кунда қолди.
Уруш деса халқ йиғлаб,
Подшонинг ўлимин тилаб.

Уруш бошидаги, подшонинг қошидаги амалдорлар кўрди: урушда одам стишмай бораётир, бари мамлакатдан олган одами ўлиб, озайиб қолаётир, кунма-кун одам камчилик қилаётир. Завод-фабрикаларда ишловчи хотин-қизлар бўлиб қолди. Уроқ ўрмоқ, ер ҳайдамоқ, экиш ишлари хотин-қизларнинг қўлида қолди. Ишга яроқли одамнинг ҳаммасини олган, подшонинг қўл остида Туркистон мамлакати бу урушдан тиш² турган. Туркистон халқи подшога саллотликка ноишоним бўлган; булардан сўрамоқчи эмас, «бирданига чақириб, қўлига милтиқ-анжом берсак, улар бизга яхши қарамас»,— деб мардикор сўради.

Мардикор сўради, хатга солади,
Ҳаммасининг кўнгли шундай бўлади,
Хатга қараб телеграмм беради...
Губир³нинг қошига ҳокимлар келган,
Қўл остига, сўзин ҳоким билдирган,
Элдан-элга юрар отлар чопишиб,
Ҳар ерлардан мингбошини топишиб,
Борса, эълон хатни маълум қилади,
Мингбошининг ўз қўлига беради,
Губирдан телеграмм келди Жиззахга,
Хабар етиб борди Самарқанд юртга.
Каттақўрғон билан энди Челақка.
Мамлакатга шундай хабар беради,

¹ Бўлиб қолса.

² Ташқари. ³ Губернатор.

Барча фуқарога эълон қилади.
 Кўринг шу замонда Жиззах ҳокими
 Бағдонга жўнатди битган хатини.
 Хайрон қолар бу хабарнинг тилига...
 Андижон, Наманган қолмай Марғилоқ —
 Ҳаммаси эшитди: Фарғона, Қўқон,
 Хўжанд, Уратепа, яна тоғ ичи
 Қолмайин эшитди бу катта-кичи¹.
 Бу тоғнинг ораси — Қирғиз ҳам Сангзор,
 Тошлоқ, Ўснат хабар топди, муқаррар,
 Ҳамма бу гапларга ҳайрон бўлгандир,
 Янгиқўрғон — барча кўп ғамгин бўлиб,
 Ҳамма халққа бундай эълон келгандир.
 Хабар чиқиб ётир элдан фалакка
 Бу хабарлар ботди турган элатга...
 Қози, мингбошилар, катта одамлар
 Ҳаммаси бир жойга энди йиғилди,
 Бу хабарномани ўқиди, кўрди...
 Беш уйга бир одам эълон қилибди,
 Катта одамнинг бари омон қолибди.
 Губирнинг номаси шундай бўлибди:
 «Имом бўлиб элу халқда турганлар,
 Бой бўлиб мулк эгаси бўлганлар,
 Қози мингбоши бўп хизмат қилганлар,
 Катта-кичик амалдор бўп юрганлар,
 Деҳқонларга сиёсат қип юрганлар
 Ишчи-деҳқон қаторида бўлмасин,
 Бундай киши чиқим, одам бермасин,
 Подшо раҳбар бўлди, амалдор билсин,
 Ишчи-деҳқонларга одамни солсин.
 Пул топмаган асл камбағал борсин!
 Дунёдорлар бунда жойида турсин...
 Амалдор зарбини элга ўтказсин.
 Кечиктирмай бу хизматни битказсин!»
 Шундай бўлди бошчи мингбоши иши,
 Эшон, мулла, қошидаги сирдоши.
 Ҳар қишлоқдан хабар қилиб чақирди
 Элликбоши билан яна тўқ киши...

Бир мингбошининг қирқ-элликча элликбошиси бўлар
 эди. Улар ҳар қишлоқдан келиб, мингбошининг қабатида
 турибди. Булар — қишлоқ балохўрлари, қишлоқни кеми-

¹ Кичик.

риб егувчилар, оз чиқимни кўпайтириб олувчилар, қишлоқни «бошқариб йўлга солувчилар», меҳнаткашлардан ҳақ ундириб, ўзлари ага бўлиб егувчилар. Маслаҳатбоши бойлар мингбошиникига йиғилди. «Булар нима иш қилади, нима десак меҳнаткаш халқ айтганимизга кўнади, кўнмаганда нима илож қилади, дод деганда мингбошига келади, халқдан одам ҳам чиқимни ўрин қилмоқ учун маслаҳатга йиғилганининг бари озод бўлади. Биз нима десак, эл кўна беради, эндиги ихтиёр ўзингизда-да, қишлоққа бориб чувлаб юрамизми»,— деб мингбошига қараб бу маслаҳатни бериб турган экан:

Ушбу дамдир, ўзга дамни дам дема,
Эсонликда давлатингни кам дема,
Валастнойсан, бу ишлардан ғам ема!
Элда не гап бўлса бизлар еткизиб,
Урин қилиб бу хизматни биткизиб,
Эл тели-тентагин дам қип қўярмиз,
Ғам ема, сола бер элга одамни.
Бу ишларни ўрин қилиб келармиз..
Одам солсак бизлар элнинг ўзига,
Дод деганда қулоқ солманг сўзига,
Биттасининг сўзини маъқул билмангиз...

Ҳар қишлоқ неча уйи экиннинг ихтиёри элликбошида бўлиб, маслаҳатни бир ерга қўйиб, беш уйга бир одамдан сола берди. «Ким талаб қилса, борсин, бормаган киши олти юз сўмдан пул берсин»,— деди. У вақтда одамлар олти юзни кўрмоқ тугул, бировнинг санаётганига ҳам кўзи тушган эмас...— Бизга ўхшаган камбағални тўпнинг оғзига бойлаб берар экан, бу нима деган гап?! Бой, ўзига тузук кишилар чиқимдан қолса, камбағалларнинг меҳнат қилиб қайта-қайта чиқим бериб юргани озми?! Зиёд давлат бермай бизни худо ҳам қисган экан. «Йиқилганни тепиб ўт»,— деб подшо ҳам меҳнаткашни қирар экан. Бойларнинг қўйи, моли кўп. «Менга атаб қўй сўйди»,— деб худонинг ҳам димоғи бойдан чоғ бўлар экан: «Унинг давлати катта»,— деб подшо ҳам бойни ҳурмат қилар экан,— деб ҳар йиғинда бир неча сўзлар гапирилаётир:

«Бу сўзларга йўқдир менинг тоқатим,
Беҳуда йўқ, берадиган давлатим,
Кўп бўлди дунёда кўрган меҳнатим.

Бу халқдан кетмади зулм, кулфатинг!
 Кеча-кундуз қайғу ваҳм улфатинг!
 Бизга маъқул бўлмас бу маслаҳатинг:
 Сўз сўйласанг сен оласан қиёма,
 Нима қилсанг қиласан-да, катталар,
 Қўлингдан келганин қилгин, аяма!
 Кўзимдан тўкилган селдай ёшим бор,
 Улимга чоғлаган ёлғиз бошим бор.
 Бу ишларга рози эмас одамлар!
 Уйлаганда одам бағри эзилди,
 Халқ учун гапирган неча сўз энди,
 Турган бир нечанинг кўнгли бузилди.
 Ташлаб кетсак бунда бу юрган элни,
 Эликбоши, авраб — мақсадинг шулди(р).
 Бунда юрган билан нима кун кўрдик?!
 Халқ ишлаб топганин чиқимга берди,
 Охири — оқибат шундай кун бўлди,
 Бу халқнинг бошига бир ўлим келди.
 Нима қилса қилсин энди амалдор,
 Эликбоши гапни билгин мухтасар,
 Бундан ўзга сўзинг бизга не даркор
 Хоҳ кўйдир, хоҳ ёндир, баччағар!
 Халққа юк бўп турган ўзинг балосан,
 Меҳнаткашни ёнган ўтга соласан.
 Куйиб кетдик энди давлат дастидан,
 Ўзим ўлмай, кейин қайтиб турмайман!
 Пул топмайин сенинг олдинга тушиб,
 Зулм билан мардикорга бормайман!
 Бола-чақам ебир-есир қилмайман!
 Хат оп келиб, элга бердинг маслаҳат,
 Уйласак бу — зулм, бизга қиёмат.
 Камбағал бошида бир турли савдо,
 Йўқчилик асари ажойиб ғавго.
 Бадавлатлар қайғу ваҳм қилмайди,
 Улар бунинг учун кўнглин бўлмайди,
 Камбағалнинг иши ўрин бўлмайди,
 «Дод» деганда ҳеч ким қулоқ солмайди...»

Туркистон крайда — ҳамма ерда шу гап. Жиззахда,
 яқин-узоқда, Самарқанд тевараги: қорадарахтда, Бағдон,
 Пориш, Найман, Туркман, Фарғона мамлакати, Тошкент,
 Сир ёқалаб ўзбек, қозоқ — ҳамма норозилигини кўрсатиб
 турибди. Жиззах теварагида темир йўл рабчилари — рус

пролетариати, большевиклар партияси қувватини, халқнинг норози бўлганини дўст тутиб гапирган, ҳар ерларда ҳам шундай сўз бўлган. Бу сўз оғиздан-оғизга, элдан-элга ҳамма халққа тарқаб кетди, биридан-бири эшитди. Биров билардан, биров билмасдан бу гапларни гапириб ётди. «Подшонинг қуввати кетган эмиш, лашкари ҳам озайиб, айтганига юрмай ётган эмиш. Энди бунга пул, одам берсак, таги бошимизга баттар бало бўлади, бу балодан ўзимиз қутулолмай юрганимизда пул, одам бериб, буни қувватлаб турмаймиз! Мана атрофда қанча халқ бор, унда қандай бўляпти»— деб бир-биридан хабар олиб юрибди. Бу сўзни маъқул қилиб Жиззахда қўзғолон бўляпти. «Жиззахга йиғилиб борамиз. Тупроққўрғонни ўртага оламиз, подшонинг ёрдамчиси бўлган одамни нобуд қиламиз»— деб хоҳ Жиззах қўрғонининг теварагида, хоҳ қишлоқда ҳамма халқ ҳаракатга кирди.

Бир неча отли, бир неча яёв,
 Йиғилмоқчи бўлди Жиззах устига.
 Одам келиб бир-бирига дуч бўлди,
 Холиядан Тойир чўлоқ бош бўлди,
 Урушга ўзини чоқлади толиб,
 Уроқ-калтагини қўлига олиб.
 Милтиги бор милтигини олади,
 Душманининг қўлидан не иш келади?!
 Хар бир қишлоқ бўлган сўзни эшитиб,
 Бир-бирига қўшилишиб боради.
 «Йиғилинг, юринглар Жиззах устига,
 Йиғилганда не кунларни солармиз,
 Ёшқувурнинг қўрғонини олармиз,
 Уруш қип, қўрғонни босиб олган сўнг
 Ҳамма бирдай яроқли бўп қолармиз,
 Сўнгра биз ҳам тузук бўлиб қолармиз.
 Бир овоза кетсин осмон-фалакка
 Жиззах бориб, уруш қилсак, албатта.
 Қулоқ сонг,¹ оғайни, сўйлаган сўзга.
 Урушли кун йўлдош бўласиз бизга.
 Юқорида хабар кетди қирғизга,
 Ҳамма халқда бордир шундай ҳаракат,
 Бир аломат уруш бўлсин аросат,
 Келаётир Пишагар билан Равот.

¹ Қулоқ солинг.

Подшо бошлаб бўлди бизларга душман,
Пулиққани қилиб кетсин пушаймон».
Қудуқча ҳам келаётир Ардахшон,
Юқори — Сангзорда одам қуйилган.
Ғамли бўлса тортар эди оҳу вой,
Юқоридан бош бўп чиқди Қурбонбой.
Уруш излаб бунинг кўнгли жўш урди,
Катта-кичик қўштамғали қўшилди.
Тоғнинг таңгисида шердайн бўлиб,
«Урушда келарман ҳаммага голиб»,
Не одамлар чиқаётир элатдан,
Қурбон полвон билан баравар бўлиб,
Душман кўрса билмаганин билдирди,
Ханжар урмай бағрин қонга тўлдирди,
Оқпошшонинг ёрдамчиси, деди-да
Сангзордаги тоғ бегини ўлдирди.
Жам бўлиб, энкайиб энди жўнади,
Жиззахнинг урушин ҳавас қилади.
Ҳар қишлоқдан чиқиб одам қўшилиб,
Оздан келаётир, энди кўпайиб.
Қари-қартағ кўрса ақли шошиб,
Бир нечалар юрар йўлдан адашиб,
Келиб қолди Бошқўриққа ёнашиб.
Бошқўриқ ҳам бунда ётган кўп элат,
Бу ерда ҳам бўлиб ётган маслаҳат,
Отланиб чиққандир неча йигитлар,
Келаётган кўп одамга дуч бўлиб,
Бошқўриқ халқига Кўшоқ бош бўлиб,
Эл йиғилиб, дарёдайн тошай деб,
Тошохирдан Жиззах қараб ошай деб,
Уруш бўлса аралашиб қолай деб,
Не йигитлар энди бундан жўнади,
Кўшининг бири бўлиб бирга юрай деб...

Буларнинг ҳаракат қилиб ётганини кўриб, Чибор деган ерда халққа Мавлон бош бўлиб, бунда ҳам маслаҳат бўлиб: «Жиззахда одамлар йиғилаётган эмиш, юқоридан Хусан туянинг боласи Қурбонбой бош бўлиб, улар Жиззах бориб, подшога қарши уруш қилганда биз қараб турамизми», — деб бир сўз айтиб турибди:

Эшит, қариндошлар, айтган додимни,
Подшоларга қарши сиёсатимни,

Урушда кўрсатай бу ғайратимни.
 Кўнгли боринг эгарлай бер отингни.
 Чибор элди сира Мавлон кўмилмас,
 Бой билан амалдор дамани емас,
 Урушни айладим кўнглимда ҳавас,
 Кўзимга кўринмас менинг баланд-паст.
 Бундай ишлар кўрқоқларга қийиндир,
 Ботирлар — шунқордир, ёвга қуйилди,
 Чувилдоқ ҳам жағажоқлик йиғилди,
 Отлангин майдонга, энди турмагин,
 Мард бўлсанг, ўзингни номард қилмагин.
 Урушли кун сира биқиб турмагин,
 Юра бер, юра бер майдонга киргин,
 Жиззахда Мавлоннинг ишини кўргин.
 Душман бизни қизилгулдай сўлдирди.
 Бундай подшо мамлакатдан йўқ бўлсин!
 Халқни шунча қайғу ғамга тўлдирди.
 Кунда чиқим, биздан одам сўради,
 Зулукдай қонимиз сўриб боради,
 Нима топсак барин кўймай олади,
 Бола-чақа тайин очдан ўлади.
 Подшонинг уруши ода бўлмади,
 Деҳқон халқнинг сўли сира қолмади.
 Кунба-кундан жабр ўтиб боради,
 Бу азоб суякдан ўтиб боради.
 Ҳар не деганини меҳнаткаш берди,
 Охирида юртни ҳам безор қилди,
 Куйганидан шундай элат отланди.
 Қийғир деган қуш учади қияда,
 Ҳамманинг алами бўлган зиёда.
 Мана қара, куйган халқни кўрдингми,
 От топмаган, бораётир пиёда.
 Яёвлаб юради кўнглини хушлаб.
 Чарчаганда дам олади ёнбошлаб.
 Яёвман деб шулар қараб қолмади,
 Бораётир калтак-яроғин ушлаб.
 Неча сўзни тимсол айтганман сенга,
 Эр йигитлар, йўлдош бўлавер менга.
 Хабар етган Авлиёда Ҳасанга.

Одам келиб ўнгу сўлдан,
 Бари қайтмас юрган йўлдан,
 Илгариди юрган одам —

Мавлон барига бош бўлган,
Мазгил жойи Чибор элга,
Қарамайди ўнгу сўлга,
Чиқиб қолди энди белга,
Етсак дейди Жиззах элга.
Тойли-таёқли жўнаган,
Йўлга тушиб югрук-чобон,
Одам чиқиб ҳар бир эдан,
Оз бўлса, йўлда кўп бўлган.
Тўзон бўлиб еру осмон.
Шундайин бўлиб йўл тортди,
Энди кўрди Жиззах юртди.
Катта тўзон бўлиб ётди,
Олдида Паймурт элатдир,
Ҳар элда ҳам маслаҳатдир.
От чопилиб баланд-пастга,
Қўшилишиб ёру дўстга,
Гоҳо қирда, гоҳо пастда,
Бир-бирига бўлиб меҳрибон,
Келиб қўшилди Оғажон.
Бош бўлгандир сатта полвон,
Заргал эдан одам келган.
Танасига сиғмай жони,
Қандай Жиззахнинг майдони.
Довриққа қўзғалган элдир,
Такали, қанча Солиндир,
Подшосини душман билиб,
Ишчи-деҳқон йўлга кириб,
Ҳасан-Гўбаннинг элидан
Шерқул турибди бош бўлиб,
Бир-бирига дуч бўлиб.
Бир нечанинг ақли шошиб,
Бир-бирига товушлашиб,
Ҳаяллама, бўл, дейишиб,
Сою қирда чақиришиб,
Шуйтиб одам жўнаётир.
Ботирлар илгари тушиб.
Ҳамма отланган шер бўлган,
Бир нечаси эшак минган,
Таёқни тақимга олган,
Пиёдалаб неча одам.
Қўйинини тошга тўлдирган.
Уруш бўлса кўрамиз деб,

Душманни, аниқ биламиз деб,
 Тошман чоқлаб урамиз деб,
 Тойли-таёқли жўнади.
 Ҳар тарафдан одам энган,
 Бир нечалар байтал минган,
 Бир хилида таёқ ҳам йўқ,
 Бу ҳам бир таваккал қилган.
 Шундай бўлиб жўнай берди,
 Бораётир йўлга тўлиб,
 Уз-ўзи билан тўп бўлиб,
 Қирга чиқиб назар солди,
 Ҳар тарафдан келаётир
 Одам Жиззахга қуйилиб,
 Ҳар ким бир сўзни ўйлаган,
 Уруш деб жонин қийнаган,
 Зоминдан бери йиғилган,
 Сони йўқ одам жам бўлган,
 Ҳеч қолмайин эрта-кечи,
 Аёл-эркак аралашган,
 Жиззах элда қўрғон ичи,
 Оқбулоқ билан Ёйилма,
 Қўшбармоққа келиб тўлган.
 Қолмайин катта-кичикдан,
 Одам чиқиб Сойничидан...
 Келаётир Желлиқўлдан.
 Атроф одамларга тўлди,
 Бу Жиззах ўртада қолди.
 Зомин, Сангзордан йиғилиб,
 Саври, Куябош қолмади.
 Эшак билан ошиб энди¹
 Қирни ёқалаб одам келди,
 Бу ишлар бир ерда эмас,
 Шундай бўп ҳамма мамлакат
 Оқпошшога қарши чиқди,
 Отланиб шунча азамат.

Бир нечалар эрдай бўлиб,
 Тоғда ақирган шердай бўлиб,
 Кўрса душман ердай бўлиб,
 Одамни кўриб қизиққан —
 Эркак-аёл бари чиққан,

¹ Э н д и — тушди.

Қайровотда кўпи хотин,
 Шариллоқ билан Қулқишлоқ,
 Уруш бўлса ўзин чоқлаб,
 Яёвлашиб келаётир.
 Борсак дейди жуда дўқлаб,
 Кўрганларнинг ақли шошди,
 Халқ бир-бирига жамашди.
 Жиззахга яқин етишди,
 Унгу сўлни қуршаб келди.
 Хотин-эркаклар жам бўлди.
 Урушда қараб турмади,
 «Бундай зулмни кўрганча,
 Кунда бир ўлиб юрганча,
 Подшога қарши бўлайик.
 Подшо кимдир, биз билмаймиз,
 Подшо ёрдамчисин топиб,
 Урра деб от қўяйик,
 Ё олайик, ё ўлайик,
 Сира қайтманглар, халойиқ!
 Меҳнаткашсан, зулм ўтди,
 Суяклар ўртаниб кетди».
 Қаттиқ зулм ўтгандан сўнг
 Шунча халқ қўзғолон қипти.
 Шундай сўзлар ҳар элатда.
 Жиззахда бор душман катта,
 Жиззах каттасин ўлдирмак —
 Келган одам шу мақсадда,
 Жиззах шундай тутаб ётир,
 Бош бўлган ҳар элдан ботир,
 Тепсинишиб келаётир.

Унгу сўл одамга тўлди, ҳамма ёқни одам ўраб олди.
 Подшонинг зулми ўтган, халққа жуда ботган, халқ куйганидан ўлимига рози бўлиб, шу ишни қилиб ётган. Катта-кичик халқ: «Уйда писиб қараб ётганча, бир ўртага тушиб, урушиб, ё уники бўлиб, ё бизники бўлиб, бир ёқли бўлиб келганимиз яхши», — деб Жиззахга кела берган. Қанча олислардан йўл юриб келганлар ҳам кўп. Буларда ортиқча яроқ йўқ, кўпининг ушлагани калтак, тош, гишт. «Шунинг билан ҳам уриб чиқармиз», — деб турадигани ҳам кўп. Шунда одамнинг ҳайбат сиёсатига Тупроққўрғонда турган саллот, бир тарафга босиб чиқолмайди. Илгари қараб, ўраб турган халқ кейнидан келиб босиб қоладигандай.

Шунда Жиззахнинг ўзидан бир сартарош — Ҳринбой деганнинг боласи бу сўзни айтиб турибди:

Мана шунча халқ йиғилган,
Эшитинглар, келган жонлар,
Хўп меҳнаткаш меҳрибонлар,
Пушаймон кунга қолманглар.
Подшо бизга душман бўлган,
Муллани эътибор билган.
Бой, эшонга ўрин берган,
Бу меҳнаткаш ишчи-деҳқон —
Қанча чиқим тўлаб турган,
Жабрни меҳнаткаш кўрган.
Золимнинг ёзган хатида
Хизматинг беўрин бўлган,
Эзилган халқ кейин қолган.
Энди бўлди, мана майдон,
Майдонда кечамиз жондан.
Учимиз олсак душмандан,
Осмону ер бўлиб тўзон,
Бу ишлар ажаб — қўзғолон,
Жиззахда катта тўполон.
Қилиб одамлар сиёсат,
Урушмоққа қилиб ғайрат,
Бўлсин душманга қиёмат.
Отган ўқдан ҳазар қилма,
Бу майдондан юз қайтарма.
Мард бўп келдинг, номард бўлма!

Шунда бир тарафда Тойир чўлоқ барча халойиққа қараб, бу ҳам бир сўз айтиб тургани:

Оқизманг кўзнинг жаласин,
Бузинг душманнинг қалъасин.
Уринг Жиззахнинг тўрасин!
Душманнинг бағрини эзинг.
Бу йўлнинг симларин узинг,
Поезднинг йўлини бузинг!
Сира қараб турманг, элат,
Бу кунда кўнглимиз хушланг,
Ҳар қайсингиз бир иш бошланг,
Йўлиққаннинг бўйини узиб,
Маконларин бузиб ташланг!

От чопилиб алвон-алвон,
Хамма бир-бирига меҳрибон,
Ўзбек халқи, навжувонлар,
Бунда уруш излаганлар,
Зулм кўриб бўзлаганлар,
Юринг Бешқувур устига!

Энди турманг, чоғланинглар,
Урушни яхши ўйланглар,
Ғайрат билан бел бойланглар,
Юринг Бешқувур устига!

Йўлиқарми гарди фироқ,
Жабрга эзилган юрак,
Хўп ўртаниб ёнган чироқ,
Душмандан бўп қолар дарак,
Юринг Бешқувур устига!

Душман милтиқ отаётир,
Бизга зулм ботаётир,
Ғайрат қилгин сатта ботир,
Туринг Бешқувур устига!

Сизларда йўқ кескир олмос,
Уруш излаб сатта елмас,
Душманнинг мақсади бўлмас,
Урушда билагинг толмас,
Юринг Бешқувур устига!

Кўнглингизни айлангиз шод,
Душманларни қилиб барбод,
Бир хили миниб яхши от,
Бир хилнигда кучли қувват,
Юринг Бешқувур устига!

Ошиқ ўтган Зухра-Тойир,
Душманни мулкидан айир,
Эр йигитлар бўлиб ғаюр
Юринг Бешқувур устига!

Биринг-бирингга муносиб,
Тортинмайин боринг босиб,
Юринг Бешқувур устига!

Бу сўзни айтиб турганининг устига Мухторхон эшон...
халққа панд-насиҳат айтган киши бўлиб, бир сўз айтиб
турган ери:

Ҳам муридим, мамлакатим,
Бор менинг пирлик ҳурматим,
Сизларга маълум қувватим.

Пирнинг сўзин ёлгон билма,
Пирдан қайтиб муртад бўлма,
Оқподшога сен тиг тортиб,
Осию гуноҳкор бўлма.

Ажабдир подшолар иши,
Подшо катта — улуғ киши,
Бу ишингда кўпдир хатонг,
Билсанг подшо улуғ отанг.

Подшони сен душман билма,
Нодоннинг гапига кирма,
Сен имонингни бой берма,
Қиёмат кун осий бўлма.

Бизлар раҳбарлик қилармиз,
Барингизга бош бўлармиз,
Душман чиқса йўқ қилармиз,
Бир тартибга келтирармиз.

Баринг бўлмагин шарманда,
Эшонинг сўз айтар бунда,
Бўлиб қолманглар дармонда...

Шунда эшондан бу сўзни эшитиб халқ, бўл ҳа, юр ҳа,
деб юрган одамлар, алам қилиб, куйганлардан — халққа
бош бўлиб турганлардан бири бир сўз айтиб турибди.

Бизларга пирлик қиласан,
Тағи келиб энди бунда
Шайтондай бўп озгирасан.
Бунча халқни йўлдан урма,
Сен, эшон, йўлингдан қолма,
Мурид овлаган сен, эшон.
Ундай десанг сен ҳам душман!

Жаннатнинг эгаси, эшон,
Асли қолмагин йўлингдан,
Ҳеч иш келмайди қўлингдан.

Эшоним деб, кўп югурдик,
Назру ниёзни кўп бердик,
Жиззахга бўлдинг мўътабар,
Утрикчи¹ сен, баччағар,
Кирмас одамлар сўзингга,
Қаратма халқни юзингга.
Биласанми турган халқни,
Шунча халққа жабр ўтди.
У зулмни кўрган вақтда,
Сен айтмадинг насиҳатди.

Утиригинг маълум бўлган,
Зулм қилган амалдорман²
Асли ўзинг бирга турган.
Подшо сенга ўрин берган,
Чиқим-солиқдан тиш қилган...

Бизга бу ишлар ор эмас,
Сендай эшон даркор эмас...

Сенинг билан бўлмаб бирга,
Қайтиб кетгин келган йўлга,
Насиҳат айтмагин элга,
Гапинг даркор эмас бизга!
Кўп одамга бош бўлганмиз,
Подшо билан ғаш бўлганмиз,
Бир-биримизга дўст бўлганмиз,
Шуйтиб йигилиб келганмиз!

Одамни аҳмоқ билибсан.
Азозилдай бизни авраб,
Тағи орага кирибсан.
Эшонсан, кимнинг пирисан?
Шу душманларнинг бирисан.
«Жаннатга оббораман»,— деб,
Сен халқни алдаб юрибсан...

¹ Елғончи

² Амалдор билан.

Кароматинг маълум эмас,
Одамлар гапингга кирмас!
Ҳозир бу халқ пирин билмас.
Эшоним деб раъя қилмас,
Кет энди, қолма йўлингдан!

Бу сўзни эшитиб, эшон: «Бу одамларга бир гап бўлган экан, ҳозир булар нима иш қилса қилар, подшодан бир қувват бўлса, бу хабар албатта борса, подшонинг лашкари келса, бу беодобчиликларни ким қилди? — деб сўраса, у вақтда олдига тушиб, ҳозир бўлган ботирларни кўрсатиб берармиз, бойлаб олгандан кейин, туновги ғайратинг қани деб сўрармиз», — деб жойига қайтиб кетди.

Не йигитлар депсинишиб,
Қани, тез-тез юр, дейишиб,
Ҳар ким майдонда турганда
Ғайратини кўр, дейишиб.

Ҳар тарафдан одам келган,
Чангу тўзон тутаб қолган,
Бўлиб ётир ундай замон,
Уртададир Тупроққўрғон,
Қанча бўлса саллот турган,
Оз саллотга бу кўп одам,
Ен-ёғини ўраб олган.

Ҳар тарафга отаётир.
Уқ зинғиллаб ўтаётир,
Бешқувур ўртада ётир.

Уқи кетади фалакка,
Отаётир якка-якка,
Бош бўлгандир бир тарафга
Бир сўз айтар Тойир чўлоқ:
— Урушли кун турма қараб,
Душман бўлди бизнинг тараф,
Юра бер душманга қараб,
Калтак, яроқ қўлга олиб,
Келайик душманга ғолиб,
Ўзбек уруғи от солиб,
Урушмоққа бўлган толиб.
Тўкилсин душманнинг қони,

Қора ер қолсин бўялиб,
Бу урушда обрў олиб,
Омон-эсон элга бориб.

Мард йигитлар, номард бўлма!
Тайсаллаб ҳар ёқда турма,
Бу майдондан юз қайтарма!
Биз ҳам бунда отишайик,
Душман билан тутишайик,
Биздан ўтган сиёсатлар,
Келган сатта азаматлар,
Уқ бўшатган бу саллотлар,
Бўлиб қолсин ажаб замон.
Қўлга кирса Тупроққўрғон.
Ундан кейин меҳнаткашлар
Қайгу гамдан озод бўлар.

Ҳозир бизлар кам яроқмиз,
Яроқ йўқ деб гам емасмиз,
Отишиб турган саллотга
Сира омонлик бермасмиз!

Кўзлаб отади саллотлар,
Не отлар бўлди ярадор.
Уққа учган ҳайвон зотлар,
Етир кўчада жонивор.

Кўринг энди бундай ишни,
Кам-кам одам қисиб олиб,
Қўрғонга яқин етишди;
Пристав билан ҳокими,
Бир тарафдан отланишди.

Шу замон Жиззах ҳокими.
Тупроққўрғоннинг остида,
Етишди отнинг устида,
Келиб тушмоқчи орага:

— Сабил бўлмасин мамлакат,
Қайтинг энди келган элат!
Сизларга бир гап бўлдимиз?
Биров сизни оздирдимиз?
Бу юришинг қандай гапдир?

Бу иш Жиззахда бўлибди.
Бўлак ерда бўлган йўқдир.
Ҳеч ким сизга зулм қилмай,
Қандай келдинглар уялмай?
Юрт каттаси бизлар бўлсак,
Бу ишларни бизлар билмай,
Бу ишларингдан иш битмас,
Ҳеч ерга зарбларинг ўтмас,
Нима ишни қилдинг ҳавас?!
Бир сенга эмас мардикор,
Беҳуда ғаффо не даркор?
Қайтавер келган одамлар!
Кўп ҳаяллаб бунда турма,
Жойингни чўлистон қилма,
Ўз жонингда ўчинг борма!¹
Бу подшолик — катта давлат,
Бунга ҳеччи² эмас элат,
Подшоликда билинмайди
Туркистон деган мамлакат.

Бу сўзни айтиб турган вақтда,
Ҳоким куни тўлган чоғ-да
Халқ чувиллаб товуш берди:
«Тез ўртага олгин», дейди
«Калтак билан солгин», дейди,
«Ҳеч қарамай ургин», дейди,
«Неча йиллар ҳоким бўпти,
Халқнинг жуда сирин опти
Бойлар билан нархи бирди(р),
Эл устига ўтлар ёқди,
Бунинг ўзини қон тортди...»

Халқ бундайин сўзлар айтди,
Ен-ёғини ўраб олиб,
Чувлашиб яқинлаб етди.
Кўп одамнинг чув-чувига
Ҳоким боши ғуллаб кетди.
Емон билди турган элин,
Қочмоққа топмади йўлин.

¹ Борми.

² Ҳеч нарса.

Тушиб душманнинг қасдига,
Келиб ҳокимнинг устига,
Йиғилиб турган у халойиқ,
Калтак ёғдирди бошига.
«Ким бўлсанг шу бўлгин», дейди
«Тағи сўйлаб тургин», дейди,
«Губирнинг қўйган ҳокими —
Бизга душман, ўлгин», дейди.

Халқ йиғилиб кўп иш қилди,
Ҳокимни уриб ўлдирди.
Бу пристав чинқиради,
Чинқириб қайда боради?!
«Сен ҳам энди қолма», дейди.
Таёғи билан солади.

Қулоқ солмайди тилига,
Юргизмайди, ўз йўлига.
«Душман!»— дейди йиғилган халқ.
Калтакман солди белига.
Кўринг йиғилган элатни,
Мингбошисини йўқотди,
Ҳоким билан пристав,
Иккови дунёдан ўтди...

Бешқувурда полициялар,
Неча миршаб, амалдорлар,
Қочаётир тоғу тошга,
Ҳар ким киролмас савашга.
«Нима қилса қилар», дейди
Неча энди эр йигитлар,
Бу урушда шер йигитлар.
Катталардан ҳоким ўлди,
Бошқа амалдорлар бундан
Бариси қочиб қутулди...

— Йигирма-ўттиз саллот қолди,
Тортиниб туриб не бўлди.
Келган одам қилар ғайрат,
Қуруқ чувлаб турмоқ уят,
Шундай қилиб бир иш қилсак,
Қўлидан милтигин олсак,
Қўрғонига эга бўлсак,

Меҳнат тортиб келгандан сўнг,
Халқ кўргудай бир иш қилсак!..

От чопилсин баланд тоғнинг пастига,
Қарши чиқиб келдик душман қасдига.
Омин денглар, от қўйинглар —
Тупроққўрғоннинг устига!

От қўйгандан ақли шошар,
Қилган ишидан адашар,
Балки милтиқ отолмайди,
Қўлидан милтиғи тушар,
Қўймасанг бўғини бўшар.

Қани бошланглар сиз бир иш,
Ғайрати бор қилсин хуруш,
Дунёда кўп кўрдик койиш,
От солинг душман устига!

Душман бўлса ўлдирайик,
Зўрлигимиз билдирайик,
Душманни ўртага олиб,
Эл кўргидай иш қилайик.

Халқда ҳам бор қанча мерган,
Бу урушга бирга борган.
Булар ҳам кўп милтиқ отди
Ўқ бориб тупроққа ботди.
Саллот ҳам кўзлаб отмайди,
Шинак олиб отаётир,
Ўқи баланд кетаётир.
Чувлаган халқнинг устидан
Ўқ зинғиллаб ўтаётир,
Шундай бўлиб отишиб ётир.

Бир-бирига бўлиб душман,
Қиличлашган йўқдир майдон,
Жуда одам кўп йиғилган.

— Олис-ёвуқдан келганлар,
Узини ботир билганлар
Дилгир бўлиб саваш излаб,
Бош ҳокимни ўлдирганлар.

Бир иш қилинглаар Жиззахда,
Фуагула кетсин фалакка,
Номинг қолсин элу халққа,
Подшога қарши келганлар!
Губир қўйган амалдорни —
Бунда уриб ўлдириблар,
Урушдан ҳазар қилманглаар.
Нечов майдонда оҳ урди,
Амалдорнинг бари шунда,
Босиб олинг Бешқувурни!

Топсанг амалдорнинг ўзин
Ўйинг бурун, икки кўзин.
Юз минг фарёд айлаганда,
Тингламанглаар душман сўзин!

Сира йўқдир бизда тоқат
Жабру жафо тортиб меҳнат.
Чангалимизга тушиб қолса,
Сира қўймасмиз саломат.
Урус, мусулмон деманглаар,
Ким подшога хизмат қилса,
Сира уни дўст билманглаар.
Қайда золим дучор бўлса,
Шу душман, омон берманглаар!

Бешқувурни изиллатиб йиғлатди,
Кўринган душманни қўймай сулатди.
Бу Жиззахда бўлиб ётган тўполон,
Самарқандга борди, ҳокимга етди.

Ҳоким айтди: «Мен Жиззахга борай, деб,
Қандай гаплар бўлди, бориб кўрай, деб,
Нима ишлар бўлган экан билай», деб,
Қанча саллот билан поездга тушди,
Поезд қичаб бу Жиззахга етишди.

Бу келган саллотни кўриб, одамлар станция бошидан
узоққа қочди, бу говурни эшитиб, бир нечалар Бешқувур-
дан чиқиб тоққа тармашди. Саллот Бешқувурга қараб йўл
тортди, икки юзи бирдан милтиқ бўшатди. «Бизда ёв-
яроғ бўлмаса, саллот йўқ деган сўзлари бекор экан, киши
билмас кўп экан; қилич-милтиғи ўтдай ёнган анжомдор,

бунда қараб туриб ўлмоқ не даркор»,— деб келган одамлар қанчаси элга қайтди.

Саллотлар Тупроққўргонни кўриб, у ён-бу ён қараб, пристав, ҳокимнинг ўликларини кўриб, Бешқувурда қанча нобуд бўлган кишиларни билиб, Самарқанд ҳокими Жиззахда бўлган воқеани, ҳарна кўрган ишини хатга битиб, Тошкент губирига телеграмм билан юборди. Бу хабар Тошкентга кетди.

Ҳоким айтди: «Ҳамма ерда ҳам бўлган шундай қўзғолон. Мана Самарқандга яқин Даҳбита ҳам мингбошисини уриб ўлдириб қўйди». Икки юз саллотни бунда ташлаб, «Бир хабар бўлгунча Тупроққўргонни кўриб турасизлар»,— деб Самарқанд ҳокими поездга тушиб, Самарқандга қайтди. Бир-икки кун орада ўтди, юборган телеграмманинг хабари етди. Яна саллот келаётгани маълум бўлди. Шунда отли, пиёда бир эшелон саллот келиб, станциянинг бошига туша берди. Булар шу кеча Тупроққўргонда ётди, уч-тўрт кундан бери «Туркистонни отади» деган овоза ҳаммага кетди, эрта-мертан тонг отди. Энди аввал бошлаб Жиззахни отмоқ бўлиб, анжомини чоқлаб ҳаракат қилиб ётди.

Губирнинг буйруғи шундай:
«Элу халқни отсин, деган,
Ҳаммани бўзлатсин, деган
Қарши келган халойиқни
Яксон қилиб кетсин»,— деган.

Саллот чиқиб оралади,
Жиззахга қараб жўнади.
Ҳар замонда тўп бўшатиб,
Яқинлашди бозор жойга.
Элу халқдан бўлмай бирга,
Бозор жойга етган вақтда
Ўт қўйди чорсуга, тимга,
Яксон қилмоқчи Жиззахни.

Бўлиб қолди бир аломат,
Ўт қўйди, бўлди қиёмат.
Юриб ҳар ён ўт қўяди,
Ёниб қулайди иморат.
Отни ташлаб яёв бўлиб,
Қарайди пиёда саллот,

Бу гулгула кўкка кетди,
Қандай жондор кўрса отди,
Жиззах халқи, не маконлар
Тутаб бунда ёниб ётди.

Саллотлар бўлиниб кетган,
Қишлоқни оралаб кетган
Эркак кўринса қўймайди,
Ўлмай бундан қутулмайди.
Кўзи тўлиб қайғу ёшга,
Дучор бўлиб бундай ишга,
Қўрққанидан қочиб чиқиб,
Яширинади тоғу тошга.

Куйиб ёнгандир ажаб жой,
Катта хирмон ётган бугдой.
Саллотни фалак уради,
Бугдойга олов беради,
Босилган хирмонни кўрса,
Ўт қўяди — куйдиради.

Эшитинг, сўйлаган сўзни,
Қараган ариқ, андизни,
Сарғайтириб гулдай юзни,
Ҳар ерлардан топиб олиб,
Тўплаётир хотин-қизни.

Барча одам ғамга тўлди,
Жиззах ҳам катта элди (р),
Бола-чақа кўп йиғилди.
Йиғиб олгандир саллотлар,
Товонини босиб отлар,
Қиз-жувонни молдай қилиб,
Бу олдиға ҳайдаб олди.
Милтиқ отиб от устида
Қилиб қаттиқ сиёсатди.
Қиз-хотинлар изилласа,
Устидан милтиқ бўшатди.
Умид узиб маконидан,
Икки бошдан ўлдик дейди,
Умидни узиб жонидан,
Эркак қочиб кетган, даштда
Юрган булар баланд-пастда,
Етишмайди бунда зори,

Нечовларнинг интизори.
 Саллотнинг қўлига тушган
 Бир нечанинг севган ёри.
 Каттиқ кунлар йиғлашади,
 Угли, қизи — гўдаклари.
 Ҳайдаб етди Бешқувурга
 Бола-чақа бўлиб бирга,
 Иши тушиб қолган «зўрга».
 Ҳар ёққа бўлинган саллот,
 Борган ерида қиёмат,
 Бир хили борди Ардашхон,
 Деҳқонларга бўлиб душман
 Ут қўйди неча қишлоққа,
 Эркак топмайди, излайди,
 Олача, гиламни қўймайди.
 Яқши кигизлар йўлиқса,
 «Улажа» деб, ташлаб кетмайди.
 Саллотлар қилган юришни,
 Ҳар ёққа қилиб хурушни,
 Губирнинг амрини тутган,
 Қилар эди ерга яксон.
 «Эрта буни отамиз» деб
 Ҳайдаб, қиз-хотиндир сарсон.
 Ғам билан бир кеча ўтди.
 Тонг отгунча банд бойқиш,
 Уйқу қайда, қон йиғлашиб,
 Нечовларнинг ҳуши кетди.
 От чопишиб саллот қарар қишлоқни,
 Уроқ вақти, ҳеч топмади жонзодни.
 У ердаги қишлоқларга ўт қўйиб,
 Энди кўриб қолди катта чарвоқни.

Бу чарвоққа қўниб жойлашиб, мингбоши югуриб хизмат қилиб турибди...

Семиз қўйлардан, ғунажинлардан сўйиб, зиёфат қила берди. Бу ердан қўзғалмай булар ёта берди. Икки кунда, уч кунда тағи бориб, саллотлар қўшила берди. Душманга илғор ташлангандай, ҳар ерга бўлиниб, бир байроғи Балхининг тенгайида ётди. Икки-уч кун орада ўтгандан кейин мингбошига қараб, саллотбоши бу сўзларни айтди:

Мингбошисан, бунда халқни биласан,
 Одаминг қаерда? Топиб келасан!

Агар тайсалласанг, ўзинг ўласан!
Бу қишлоқ халқлари қаёққа кетди?
Олдимизга тушиб қилгин хизматди!
Кўйдириб ёндирай ушбу элатни,
Шундайин подшога қарши келибди.

Бу сўзни эшитди энди мингбоши,
Зарбидан титрайди одамнинг боши.
Хўп деганда бундан саллот отланди,
Бир хили бўлиниб юргандир пастга.
Бир нечаси чиқиб бу тоғу тошга,
Раҳми келмас элнинг кўзда ёшига,
Чиқиб қолди Молгузарнинг бошига,
Кўрса эзилади халқнинг юраги,
Қалин Молгузарнинг арча дарағи,¹
Дарахтни оралаб излаб келибди,
Қизу хотин бу паналаб ётибди.
Кўп халқ паноҳ тортиб тоққа боргандир,
Саллот қўрган қилиб ўртага олгандир,
Нечови паналаб қочиб бергандир,
Уқ тегиб бир нечаси ўлгандир.
Кўзголонга бошчи бўлган Мавлонди(р),
Ҳаммаси саллотга дучор бўлганди(р),
Нечов ўлиб тоғ бошида қолганди(р),
Қишлоққа ҳайдади қизу жувонди.
Қарамайди катта-кичик ҳолига,
Энди тушди волимларнинг қўлига,
Ҳайдаб келди ўзи турган элига.
Ҳайдади шу замон чарвоққа келди,
Мавлонни бир неча кўрсатиб турди,
Кўп саллот қилични қўлга ушлади,
Майда-майда қилиб чопиб ташлади.
Буни кўриб халқда заҳра қолмади,
Ҳар тарафга энди қоча бошлади.
Қочган билан энди қайда боради?
Қайерда ўқ тегса, шўрлик ўлади.
Бир нечалар қочиб кўлга ташлади,
Сувда омон қолдим деди, ўйлади.
Сувдан бошин чиқарганда бечора,
Қараб юрган саллот отиб ташлади.
Уч қишлоқдан қанча одамни отиб.

¹ Дарахти.

Халқ қолгандир ақли ҳушидан кетиб,
Шундай қилиб қанча халқни ўлдирди,
Бошқўриқ, Холтойга энди ўт қўйди.
Олов қўйиб Муқор билан Чиборга,
Шундай қилиб бу ерларни ёндирди.

Дунёдан умидни узиб деҳқонлар,
Қизу хотин, бола-чақа йиғлашар:
«Бу дунёга келдик, қандай бўлдик», деб
«Золимнинг зулмида ғариб ўлдик», деб
«Бераҳм қонхўрга дучор бўлдик», деб
«Бундай азоб-уқубатга қолдик», деб.

Халқни босиб жуда ҳам безор қилди,
Сангзор районида бир ойча турди,
Элу халққа жуда азобни берди.
Кўп ерларга етиб борса ўт қўйиб,
Сангзорда йўқ қилди кўриб бозорни,
Ўт қўйиб ёндириб Қорамозорни.
Буларнинг зулмидан шундай донг кетди,
Деҳқонларга зулм қилиб ҳоритди.
Қишлоқ маконлари дув ёниб ётди,
Бир куни ўт қўйиб Қорашақшаққа,
Халққа яна золимлигин кўрсатди,
Жойига ўт қўйиб, нечовни отди.

Неча одамларнинг қўлини бойлаб,
Жиззах қараб банди қилиб ҳайдатди.
Саккиз йил, ўн йилдан сибирь ҳукм этиб,
Кишан солиб Сибирь юртга узатди.
Неча кун бу ерда азобни бериб,
Зомин қараб отланиб йўл тортди.
Жойи, чайласидан бу эл айрилиб,
Айрилса ҳам омон қолган, майлига.
Йиғлашади ўлганларнинг ҳолига,
Саллот кетди, сирлашар ёш-қарига,
Эга бўлди омон қолган халойиқ,
Куйиб кетган бунда маконларига.
Ўлган ўлди, қолганлари топишиб,
Бир-бирига сирин айтиб йиғлашиб,
«Шу балодан энди омон қолдик», деб.
Банди кетган кишиларнинг болалари
Йиғлашади: «Етим бўлиб қолдик», деб.

Саллот қилди ўз йўлида юришди,
Энкайиб бир куни Зоминга тушди,
Зўрлик қилиб халқнинг кўзин ўйдирди,
Олов қўйиб халқ маконин куйдирди.
Банди қилиб бош бўлган бир нечасин,
Қаттиқ азоб бериб рангин сўлдирди.
Саллот юриб кеча беллардан ошди,
Азобга қолдириб қанча элатни,
Золим юборгандир элга саллотни,
Енашган ерини куйдириб ўтди.
Пишағарга келиб қўйгандир ўтни,
Ёндиргандир бунда қанча элатни,
Ҳамма ерда шундай ишлар бўп ётди.
Қуриб кетди ғамли элнинг дармони,
Кўп бўлди-ку ерли халқнинг армони.
Дод дейди ҳолига йиғлаб кўради,
Додлаганман энди қайда боради.
Ҳеч ким боролмайди булар қошига,
Қаттиқ кунлар тушди халқнинг бошига.
Оралади саллот қанча элатга,
Катта қишлоқ Шўрчадайин элларга,
Бунда катталари саллотман¹ бирга.
Ўт қўйгандир Қўштол билан Чамбилга.
Элу халқни айтганига кўндириб,
Қанча элнинг мазгилини ёндириб.
Равот келиб бозор жойга ўт қўйди,
Одам қочиб бунда тепиниб қолди.
Саллот от чопади ўнгу сўлига,
Сир айтмайин бирор ёшу қарига,
Бир тўполон бўлди Равот элига.
Саллот юриш қилган энди узоққа,
Бир нечаси юриш қилди Жиззахга,
Бир бўлак саллоти Бағдонга кетган,
Қорақум, Қиллига ўт қўйиб ўтган,
Қулпизардан ўтиб Бағдонга етган.
Янгиқишлоқ — Бағдон бозор жойини,
Борган саллот бунда ўт қўйиб ётган,
Тоғ ичи, Бағдонда оралаб кетган,
Саримсоқни олов қўйиб тутатган,
Ўт қўйиб Поришни изиллатгандир,
Нечовларни булар Бағдонда отган,

¹ Саллот билан.

Ут қўйиб Бағдонда қанча қишлоққа,
Қанча ўлжа билан Жиззахга қайтган.
Мулла, хўжа у билан бирга бойлар,
Қошида амалдор ҳам сипоҳилар,
Саллот каттасини жуда дўст билар,
Шулар билан бўлиб ёрдамни берар...

«Чекингга тушса, чеграйма», — деган гап бор. Халқни чақириб, мингбоши шу сўзни айтди:

Катта-кичик буида турган жамоат,
Одам билан обод бўлар мамлакат,
Мардикор деб яхши ўйла жамоат,
Маъқул қилиб бизга бергин маслаҳат.
Қани ким боради, кимлар қолади?
Бориш навбат бойларники бўлади.
Эшитгансан волостнойнинг тилини,
Бой юборар ўзи туққан улни,
Бой қилади мардикорнинг корини,
Углини жўнатса берар пулини.
Мен биламан камбағалнинг ҳолини
Қийинликда ўтган рўзгорларини.
Подшоликка бойлар қилсин-да хизмат,
Шу бўлади мендан чиққан маслаҳат.
Подшо давлатида бойлар роҳатда,
Роҳат кўрган киши борсин албатта.
Камбағал бир уйда ўзи хизматкор,
Бойнинг ишин қилиб кунин ўтказар.
Бой кишининг тўртта-бешта ўгли бор,
Бирини жўнатса, қолгани бўлар.
Йўқ кишига жуда оғир мардикор.
Ўзи кетса ўгил-қизин чувлатар.
Чувлаб қолса қандай куни ўтади,
Болалари мени қарғаб ётади.
Хўп ўйлагин, мендан шундай маслаҳат!
Борар жойинг Россиядай мамлакат.
Бу сўзимни яхши ўйлаб кўринглар,
Ўйга бориб боз кенгашиб келинглар.

Шунда бу мингбоши камбағалнинг гапини қилаётгани йўқ, ўз нафини кўрмоқ учун бу сўзни айтди, шумликни ўйлаб гапирди. Бунинг билан бадавлат тўқ кишилар ўйлашиб, мингбошига бир нарса пора беради. Камбағал — йўқ,

кишилардан нима унум бўлади?! Ҳамма вақт чивин ширага қўнади, шираси йўқ тақир ерда чивин нима қилади? Ўзидан ҳадиги бор, биз ҳам бойми деб юрган одамлар ҳам кўп-оз мингбошига пул беради.

Эртасига ҳар ким элликбошиси билан йиғилиб мингбошиникига ҳозир бўлади. Камбағал кишилар айтди:— Бизда ўзимиздан бошқа ўй йўқ.

Бу сўзга мингбоши айтди:— Сизларни жўнатиб, хўн ўйлаб кўрдим. Сизларнинг бораман деганларинг маъқулдай. Агар бор кишилардан бораман деб одам чиқса, сизларда берадиган пул бўлмаса, бунинг боришидан пулини топиб бериши қийин. Олти юз сўм оз пул эмас, бу аҳмоқнинг оғзида, борнинг ҳамёнида, подшонинг ғазнасида бўлади.

Шунда камбағаллардан бири мингбошига гапирди:

Мингбошисан неча сўзни сўйладинг,
Оқшом ётиб қандай шумлик ўйладинг,
Камбағални яна кейин тайладинг.
Кеча камбағалга ён босган бўлдинг,
Бугун туриб бойлар гапин гапирдинг.
Энди сенинг айтганингга кўнмаймиз,
Ҳар гапинг айниди, маъқул билмаймиз.
Хизмат бўлса камбағални итариб,
Бой кишини таъриф қилган бўласан.
Биз ҳам сенинг айтганингни қиламиз,
Чек ташлагин, чекдан чиқса борамиз.
Хоҳ бойдир, хоҳ билгин камбағал,
Чекка тушса, биз тақдирдан кўрамиз.
Ҳар кунини ҳар турли сўзни гапириб,
Камбағал-қашшоқни ўртага солиб,
Бир тун ўтса сўзларинг бошқа бўлиб,
Сен турибсан тўқнинг ёрдами олиб.
Катталик сўзингга кўнгил тўлмайди,
Чек қилмасанг бу одамлар кўнмайди.
Ҳар ким кетар, билса, борар йўлига,
Кеча гапинг камбағални қувонтди,
Бугун сўзинг бошқа, бизларга ботди.

Бу сўзларни неча одамлар айтди. Шунда бу сўзларни мингбоши эшитиб:— Чек бўлса, чек қиламиз, беш кун ўн кунда ўзимиз хабар қиламиз,— деб одамларга жавоб берди.

Бир одамда эмас, ҳамма элатда,
Шу гап бор билсанглар, Туркистон юртда,
Эшитмаган гапга элат чўчиган,
Ўйлаб турса оғир гап-да, албатта,
Чек ишига бойлар гамгин бўлади,
«Бизнинг боламизга навбат келди»— деб
У қўшилмай энди халқнинг гапига,
Бой-бадавлат ўйлаб кетиб боради.

Бизни писанд қилмай юрган элатда,
Бой боласи чиқиб қолса бу чекда,
Бизлар борсак жўра йўлдош қиламиз,
Бойваччани оғир ишга соламиз.
Бу элатда ётиб егич баччағар
«Меҳнат қандай?»— деймиз изза берамиз;
Қандай борсак қўшиб олиб борамиз,—

деб, камбағаллар йўлда гурунглашиб, ҳар ким ўз уйига тарқаб кетди.

Бадавлат, тўқ кишилар ҳар кун мачитга йиғилиб, илгари танимай юрган камбағалларни қошига чақириб олиб, кунига насиҳат қилиб: «Чек бўлганда қайсингизга чек тушса, беш уйнинг бадалидан мен бораман, деб тура-сан. Сенинг бола-чақангни ҳам боқамиз, сен келгунча хабардор бўлиб турамиз. Олти юздан пул бўлса ҳам ўзингга берамиз. Бу иш сизларга осон, сизларнинг қилиб ётган тирикчиликларинг йўқ, ўроқчилик, машоқчилик билан кун ўтказиб келаяпсизлар, бу ерда ҳам бировнинг хизматини қиласизлар, у ерга боргандан кейин ҳам шу хизмат»,— деб тулкилик қилаётир. Унда камбағал кишилар айтади: «Бу ердаги хизматга уни тенглама, худо билади, унда борган киши қайтиб келмайди, ҳар қайсиси ҳар ерда элим, болам деб ўлиб кетади. Бу осон бўлса одамлар галва қилмасдан борар эди, икки бошдан йўқ бўлиб кетамиз, деб қанча галва қилаяпти. Сизлар пулларингга ишонасизлар, биз нимамизга ишонамиз?! Чек бўлса бизнинг боламизга ҳам чиқади, деб хавфланаяпсизлар; сизларнинг болаларингизнинг жони азиз, бизларнинг жонимиз хор, орада нима фарқ бор?! Фарқ шу: сизлар дунёдор, жабр кўрмай бола-чақангиз билан роҳат кўриб келасиз, шундай қилиб, бу меҳнатда тайсаллаётирсиз»,— деди. Бу сўзнинг устида чекнинг хабарини айтиб, мингбоши чақираяпти деган хабари келиб қолди.

Хабар бориб ҳар қишлоққа,
 Гоҳи тўпда, гоҳи якка,
 Хабар бериб элу халққа,
 Келаётир энди чекка.
 Ингилишган кенг чарвоққа,
 Бир хил бойлар ғамли доғда,
 Булар ўйлаб бораётир,
 Ҳамма одам кетган ёққа,
 Етди каттанинг қошига,
 Бир қутига чекин солиб,
 Пристав турди бошида.
 Ҳамма қатор бўлиб келди,
 Ҳамма одам бирдай энди.
 Бою камбағал аралаш.
 Ҳамма бирдай бўлиб қолди.
 Шундайин бир қизиқ бўлди,
 Бир хил бойга бузуқ бўлди,
 Бир хилининг ўғли тушди,
 Бир нечасининг укаси
 Чекни олиб аралашди.
 Нечовлари шивирлашиб,
 «Ёмон қилди,— дейди,— ишни.
 Йўқ эди-ку бундай гаплар,
 Бу чек деган маломатни
 Чиқарганлар камбағаллар.
 Тағи ўйлашиб кўрармиз,
 Мингбошига гапирармиз,
 Нима деса биз берармиз,
 Тағи қайтадан келармиз.
 Илгари гапи бир бўлган,
 Биздан қанча пора олган»,—

деб пора берганлар бу маслаҳатда бўлиб ётди. Чек тамом бўлди...

Мингбошига пул берган кишилар: «Мана биз сизга қанча пул бериб, бизнинг болаларимиз ҳам чекка тушиб, кетиш ҳаракатини қилиб, ташвиш қилаётир, биз сизга ишониб беғам турибмиз, энди гап қандай бўлади?»— деяётир. Буларга мингбоши шундай жавоб бераётир: «Бормоққа болаларинг кўнгил қилмаса, камбағаллардан кўп, қайсинг бўлсанг ҳам пулни ғамлаб олиб келиб беравер, одамни ўзим

сўмлаб¹ қўйибман, қай маҳал жўнаш ҳаракати бўлса, ҳар қишлоқдан борадиган мардикорни ўзим хатлаб беш уйга бир одамдан қилиб, ҳисобини мен ўзим тўғрилайман. Бир беш уйга чўтлаб бир кишининг шу юртга борадиган кийим-кечагини ғамлаб қўйинглар, ўзимиз ҳам бирга борамиз шу юртга, пулларингни аяманглар, кўп бераверинглар, мен ўзим бир тузук одамдан юзбоши сайлаб тўғрилайман». Буни эшитиб, чек тушган бадавлат, мулла, эшон бошидан туман кўтарилгандай бўлиб: «Бундай қилсангиз, вақтимиз хуш бўлади. Илгариги ишингиздан жуда қўл ювиб сесканиб кетиб эдик»,— деб қайтди.

Мингбоши отланиб ҳар бир ерларга тушиб бир дўмнинг жойини бир ерга чақириб, бой болаларни ўчириб, камбағал кишилардан ўтказиб, ҳар бир даҳада бир оқшом ётиб, бу ишни «тўғрилаб» келди. Ўзи ҳам жуда кўп пул йиғиб олди.

Совуқ тушиб тирама кун бўлиб қолди. Неча кунлар ўтди. «Мардикорлар станцияга келсин»,— деган хабар етди. Элдан борадиган мардикорлар маълум бўлиб қолган, борадиган камбағал кишилар: «Энди бизни чақирибди, шундан шу ёққа юборармикин, ё тағи уйга бормоққа жавоб берармикин»,— деб, бир-бирига гапириб, станцияга йиғилиб бораяпти. Станцияга борган одамга: «Самарқандга борасан, у ерда дўхтир кўради»,— деб жавоб бераяпти, яёв борган одам ялпи сўкиб келаяпти. Кўпи оладиган пулни ҳали ҳам олмаган. «Юр бу ёққа», деб нечовларни мингбошининг қошига олиб бораяпти. Мингбоши: «Нега олиб келдинг?»— деб сўраяпти. «Шу вақтгачайин менинг ҳақимни бермайди»,— деб арз қилаяпти. Мингбоши: «Ҳақинг билан ишинг бўлмасин, сен кетгунча ўзим ундириб ғамлаб бераман»,— деб йўлга солаяпти. «Ҳали сизларни дўхтир кўргани йўқ, дўхтирдан ўтгандан кейин ким боради, ким қолади, маълум бўлади»,— деб жавоб бериб жўнатиб юбораётир.

Мардикорга бўлди хабар,
Бир-бирини излаб топар,
Ота-болага интизор,
Чувиллашиб қариндошлар.
Йўқликдан кетади ўзи,
Сарғайиб нечовнинг юзи,
Ота деб йиғлашиб қолди.

¹ Чўтлаб, тахминлаб.

Уз элинда ўғил-қизи.
Еш тўлдириб икки кўзи,
«Йўқлик асар қилди,— дейди
Бола-чақа қолди»,— дейди,
Бошида бор қайғу туман,
Ҳозир кетса кўрмак гумон.
Куни битиб ўлиб кетса,
Кўнгилда кетади юз армон.
Кетади бундан сарғайиб,
Ғайри юртда ўлиб кетса.
Бўлар ўлиги бесоҳиб,
Бу элда қўйиб доғини,
Мардикор деб кетар бундан,
Ким билади сўроғини.
Эл кўзидан бўлар ғойиб,
Бир нечанинг бунда ёри
Қолар энди сочин ёйиб.
Йўқчиликдан шундай бўлди,
Абгору афтода энди.
Жўнар фурсат яқинлашди,
Бошга қайғу мотам келди,
Дадил бўлади мард киши,
Йиғилишиб қариндоши,
Бир-бири билан хўшлашади,
Халқдаги жўра-йўлдоши.
Нечовлари бирга бўлиб,
Йўлларда ўксиниб қолиб,
Яна қайтиб кўрармизми,
Тенгу тўшдан жудо бўлиб.
Одам келиб ўнгу сўлдан.
Мардикорлар чиққан элдан,
Етар-етмаслик ҳолига,
Жудо бўлган мазгилидан.
Етмасликнинг иши ғолиб,
Хизматни бўйнига олиб,
Еру дўстлар бирга келиб,
Анча йўлда бирга бўлиб,
Бир-бири билан сўзлашди,
Энди йўлларда сирлашиб...
Жўнатди келган элатни,
Самарқанд қараб йўл тортди.
Қурисин подшонинг иши,
Бир нечанинг кўзда ёши,

Хўшлашиб айрилиб қолди,
Нечовларнинг қариндоши,
Бирга юрган тенгдоши.
Етишмай бир неча сўзи,
«Отам бугун кетди»,— дейишиб
Ғамгин бўлиб ўғли, қизи.
Жўнади Самарқанд қараб,
Бораётир мардикорлар,
Сўз қотади элга қараб:
— Юрагимиз оҳу войда,
Кунимиз ўтар қандай жойда,
Таги келиб кўрармизми,
Бурунгидай юрармизми
Пайдо бўлган мазгил жойда?
Уз-ўзини ғамга солиб,
Ватанини эсга олиб.
Тўқ кишилар бориб қайтар,
Самарқанддан йўлга солиб.

Бораётир ақли шошиб,
Отли, яёв йўлга тушиб,
Гоҳи хафа, гоҳ кулишиб,
Мингбошини келар дейишиб,
Эли халқдан одам чиққан,
Самарқанд қараб йўл тортган,
Бир хили кўнглин кўтариб;
Нечаси сирин билдирмади,
Уз ичидан шилинади,
Индамай кетиб боради.
Бир-бирига ёрдам бериб
Уз кўнглини кўтаради.
Бунча халқнинг олди энди
Жомбойга етиб боради.
Олди бориб қўнаётир,
Тўсат-тўсат келаётир,
Самоварлар тўлаётир.
Чўлдан чиқиб кўп йўл юрган,
Ҳориб-чарчаб бунда келган,
Бир фасл тушлаб ўтмоққа
Жомбойда ейдиган нарса
Боққолдан топилмаётир.
Оч қолган одам кам қувват,
Йўл юрмоққа келмас ҳолат,

Йўлга сизмай бораётир
Элу халқдан кўп мардикор.
Шундай бўп дарёдан ўтди,
Чўпонота тоққа етди.
Чўпонота тоғдан ўтиб
Хориб-чарчаб Сиёб етди.
Сиёбга чиқиб қараса,
Самарқандга ҳар кўчадан
Мардикорлар келаётир,
Эрта қичаб етганлари
Саройдан жой олаётир.

Борган одам бу шаҳарга йиғилди,
Хўжайинлар бари бунда уйилди.
Ҳоким, приставлар келиб кўрибди,
Мардикорлар неча кўриқдан ўтди.
Бу орада ҳафта ё ўн кун ўтди,
Мардикор ҳақим, деб бойларни тутди,
Мингбоши ҳам бойнинг гапи бир бўпти.

Бой айтади:

— Кийими билан кўп харажат бўлди, деб
Илгарида қанча пулни олди, деб
Шунинг билан бари ҳақи тўлди, деб
Энди бунинг тағи неси қолди, деб.
Мана сиз мингбоши буларга қаранг.
Тағи бизга тармашиб бало бўлди, деб
Мингбоши айтар:— Сенинг ҳақинг тўлмасми?
Еганинг, олганинг ҳисоб бўлмасми?
Ҳисоблашса бойники ошиб кетди.
Олган-еганингни ҳисоблаб келса,
Олиб берган кийим зиёд бўлибди.
Қарайман сира ҳам ҳақинг қолмаган,
Бу одамлар сенинг ҳақинг емайди.
Беҳисоб бир нарса сенга бермайди.
Бола-чақангга ҳам қанча бергандир,
Камбағалсан, бошинг айланиб қопти.
Нари-бери кўп ҳисоблаб кўрганман,
Энди сенинг нима ҳақинг қолгандир?!

Бой, мингбоши чиқаради тухматни,
Меҳнаткашнинг ҳақи тегмай ўзига

Жигар-бағри жуда эзлиб кетди.
Мардикорлар туриб бу сўзни айтди:
— Қани ўйла, бизга нима ҳақ бердинг?
Бизни жуда эси йўққа чиқардинг.
Бойнинг ҳақин ошириб зиёд қиласан,
«Ҳақинг йўқ»,— деб бизни ерга урасан,
Камбағал бўлган билан ақли кетмайди,
Кўп бергани уч юзга ҳам етмайди.
Бизлар меҳнаткашмиз, энди мардикор,
Йўқчиликдан бизлар сенга гуноҳкор.
Кўп берганда менинг ярим ҳақим бор.
Ҳақ бер десак, сенга бўлдик гуноҳкор!
«Дўхтирдан ўтганда бераман»,— дединг.
Самарқандга бизни алдаб опкелдинг.
Энди ҳақим, дедик, тухмат чиқардинг,
Ҳеч вақтда шундай гап ҳам бўларми?
Бизнинг ҳақимиздан ғазнанг тўларми?
Меҳнат қилиб биз бўлдикми тухматчи?
Қани менинг олган пулим сўра-чи!
Кўнмай этсак, бизни дўқлаб кўндирдинг,
Жуда бизга зўрлигингни билдирдинг.

Мардикорлар шундайин додқа бўлди,
Қошидаги приставга арз қилди,
Сўнгра мингбоши ҳам бироз пул берди...

Унда мардикор бошига чиққан Самарқанд бойлари айтаётир:— Бу одамлар илгаридан қанча кўзғолонда бўлган эди. Ҳеч маҳалда борамиз деб рой қилмас эди. Булар подшонинг сиёсатига, ҳукмига қарши келган эди. Булар бойларнинг пули билан сипоҳиларнинг қаҳри-заҳри билан, ўлганидан бораепти, ҳисобини топмай қуввати келмай, ҳали ҳам қанча қилаепти: .

Бойлардан чиққан бу сўз рабочий-меҳнаткашларга ботиб бир сўз айтиб турган экан:

Золим бойлар, жуда шумлик ўйладинг,
Камбағалнинг қўлини ипсиз бойладинг.
Душманнинг қўлига бизни ҳайдадинг.
Биз кетамиз бундан меҳнатни тортиб,
Кўп жафолар бунда жонимдан ўтиб,
Золим бойлар, бизга катта сўйладинг.

Сўзларинг бизларга ништардай ботиб.
 Нима бўлса биз тақдирдан кўрармиз,
 Сени ўзимизга душман билармиз!
 Агар ўлмай қолсак, азобни кўриб,
 Яна бир кун қайтиб элга келамиз,
 Ахир биз ҳам аҳволингни кўрамиз!
 Ҳозир ғамгин кўздан тўкиб ёшимни,
 Ташлаб бораётирман қариндошимни.
 Қай юртларда ғариб қилиб бошимни,
 Келганда кўрарсан менинг ишимни!
 Кеча-кундуз душманликни ўйладинг,
 Ўйнаб ўсган элдан жудо айладинг!
 Зўрлик қилиб ҳозир бизни ҳайдадинг.
 Мингбоши, қозилар билан бир бўлиб,
 Итдай бўлиб таладинг жуда «зўр» бўлиб.
 Камбағаллар сенга банди хўр бўлиб.
 Улмасак бу ишнинг охири кўриб.
 Биз кетамиз ҳозир бундан шайланиб,
 Уртанган ўтларга жонимни солиб.
 Хизмат бир кун, у роҳатга айланиб,
 Омон бўлсак, элга қайтиб келамиз,
 Шум бошингга қора кунлар соламиз!
 Қилганингча қила бердинг золимлар!
 Бир кун келиб биз ҳам ўчни олармиз.
 Биздан баланд бўлиб изза берасан,
 Бизни ҳайдаб юртни талаб турасан
 Агар бошимизга бахтли кун туғса,
 Сен баччағар биздан ёмон бўласан,
 Ким қасрда, сен тентираб ўласан!..

Энди жўнайди деган хабар бор. Шунда мардикорлар тенги-тушига, қавми-қариндошига, кўргани келган бола-чақаларига қараб бир-икки оғиз сўз айтиб турибди:

Оҳ урганда кўздан оққан ёш энди,
 Эсон бўлса иелар кўрар бош энди.
 Ҳеч кўрмаган юртга кетиб борамиз,
 Тенги-тушу қариндошлар, хўш энди.

Улмасак кетар-да бошимдан туман,
 Золим душман бизни элдан айирган.
 Оқ сут берган жоним энам, меҳрибон,
 Болам, деб неча йил парвариш қилган.

Бизларни кўрмаса ўксиниб қолган,
Уртанган ўтларга жонини солган,
Бизларни кузатиб Самарқанд келган,
Оқ сут берган меҳрибонлар, хўш энди.

Бу жароҳат жигар-бағримни тузлаб,
Эсинга тушганда бўтадай бўзлаб,
Боролмайсан бунда кейнимдан излаб,
То кўргунча, меҳрибонлар, хўш энди,

Биз кетамиз элдан-элга оғишиб,
Уйнаб ўсган қариндошдан адашиб,
Насиб тортиб қайда тақдирим тушиб,
Қолдинг, меҳрибонлар, биздан адашиб.
Излаб келган жонажонлар, хўш энди.

Бу золимлар неча сўзни ўйлади,
Уйнаб-ўсган элдан жудо айлади,
Зўрлик қилиб бизни, бадбахт, қийнади,
Оғайнилар, ўғил-қизлар, хўш энди.

Қариндошга рабобчилар сўйлади,
Ғайрат қилиб бари белин бойлади,
Биров болам деса, биров энам деб
Юрагимда қолди доғи алам, деб
Кетармиз, қолди-ку кулба хонам, деб
Бир нечалар ўғил-қизим, болам, деб
Бундай ишлар энди бизга зулм, деб
Бир неча оҳ тортар, қолди элим, деб.
Камбағал қашшоқни йиғиб олгандир,
Бу золимлар душманлигини қилгандир.

Учқурларни қанотидан қайириб,
Югрик бўлса тўғидан тойириб,
Ҳайдади золимлар юртдан айириб.
Оҳ тортганда жигар-бағри эзилди,
Ҳар ким бўлса унда кўнгли бузилди,
Кўздан ёши мунчоқ-мунчоқ тизилди.
Жўнамоққа ҳаракатга киришди,
Қўй-қўзидай бир-бириман мунглашиб,
Қайта бошдан бир-бириман кўришиб,
«Меҳрибонлар омон-эсон кел, дейди,
Золимлар зулмидан озод бўл, дейди,
Омон бориб, яна омон кел, дейди,

Ҳайдаган душмандан ўчинг ол, дейди,
Йиғлаб қолган қариндошни кўр, дейди,
Улмагин ҳамманг, омон юр, дейди.
Қурисин илоҳим подшонинг иши,
Кажга айланган фалакнинг гардиши».
Бундай кунда чувиллашиб йиғлашар,
Зулм билан юртдан айрилган киши.
Йиғлашади элдан келган одамлар
Бир-биридан айрилгиси келмайди.
Бир-бирин қучоқлаб йиғлаганига —
Тўрмоққа ҳеч кимда тоқат қолмайди...

— Қайғу-ғамлар кейин қолсин,
Золимлар жазосин кўрсин!
Бизга ҳам бир вақти хушлик —
Кўнгли очилган кун бўлсин.

Неча сўз бир-бирга айтди,
Кўнглини кўтаришиб.
Сўз билан берди қувватни:
— Душман кўкрагинг босмасин!
Меҳнатчилар ғамгин бўлма,
Золимнинг кўнгли ўсмасин.
Ўз-ўзингдан ажрашиб
Енсшма золим қошига!
Гапинг бўлса гапириб юр,
Бирга юрган йўлдошинга.

Неча сўзни йўлда айтиб
Етди поезднинг бошига.
Ҳеч қайсиси қарамайди,
Бирга юрган мингбошига.
Золим сипоҳилар — айёр,
Бориб кўрди поезд тайёр.
— Қолди катта бўлган юртинг,
Тайёр экан минсанг отинг,
Қайси юртга оикетади,
Қаерга насиб тортади.

Бари поезднинг бошига чиқди. Мардикорлар билан бир-га кетмоқ бўлиб, у ерларнинг қози, мингбошиси олдидаги неча хизматчиси бормоқни ихтиёр қилди. Булар мардикорларни қайта-қайта пуллаган, кўп дунёни ёнига солган. «У ёқдан ҳам қуруқ келмасмиз. Подшомизни бориб кўрсак, у

ҳам қанча ёрдам қилар. Бу ёқларга келмаган шу¹ юртларда бўлган қимматбаҳо нарсалардан олиб келсак, шунда ҳам кўп фойда чиқар»,— дейди. Ҳар юзбоши ўзига тобе одамларини поездга солди. Бир эшелон поездни тўлдирди. «Ёз ўтиб, қиш навбати етиб қолди, бу ерлар шундай совуқ, у юртларнинг совуғи баланд бўлади деб эшитамиз, ким қандай». Бу сўзларни айтиб турган вақтда поезд жўнади. Мардикорлар ўксиниб бир-бирига айтиб бораётган сўзи:

Бу поезд жўнади, кўнглим бузилди,
Юрган элдан туз-насиба узилди,
Яна қайтиб кўрармизми биз элни,
Тақдири қисмат бизга шу бўлди.
Қадрдон бирга ёронлар,
Бу поездда меҳрибонлар,
Элда қолди жонажонлар,
Ажал етиб ўлиб кетсак,
Қайда қолар жонажонлар.
Мусофир бўлиб азиз бошим,
Сизлар менинг йўлдошим,
Катта-кичик сиз сирдошим,
Ақлим олган қариндошим.
Тоғ аскарин чалсин туман,
Ҳаммадан айрилиқ ёмон,
Бизга душман бўлган киши,
Бўлмасин-да элда омон!
Кетдик биз огишиб бундан,
Кўнглимиз бўлиб паришон.
Агар юз минг сўраганман
Биздан топмас элда нишон.
Ҳозир вақти хуш бўп қолди,
Мамлакатда бизга душман.
Ҳеч ким етмас оҳимизга,
Урди золим пайимизга,
Урушга ҳайдаб борар бизни,
Кетдик ўлар жойимизга.
Бундан бизни ҳайдаб борар.
Золим подшога дуч қилар,
Урушнинг олдига солар,
Халқнинг оғзида шу гап бор.
Йўқ эди бизда ихтиёр,

¹ Уша.

Ҳарчанд қилиб кўрдик бизлар,
Зўрлик қилгандир душманлар,
Элат элда йиғлаб қолди,
Катта-кичик не жононлар.
Ишқ ўтида ёна-ёна,
Қаба фалак дўна-дўна,
Уйнаб ўсган тенги-тушдан
Энди бўлганмиз бегона.
Устимиздан ўтган ойлар,
Ҳар ким ўсган жойин ўйлар,
Қолиб биздан мазгил жойлар,
Қулдай қилиб боғлаб берди,
Элатдаги пулдор бойлар.
«Қулдай бўлиб сотилдинг», деб
Золимнинг одами ҳайдар.

Бу ғувиллаб поезд кетди,
Бири хафа, бири кулди.
Кўпчилик-да, кўп сўз айтди:
— Бор ишонган ватан қолиб.
Давр олиб лочиндай уядан учиб,
Бир вақти замонинг келса айланиб,
Кетади зарбингдан душманлар қочиб,
Кетдим, деб кўнглингни чўкирма, дўстлар,
Юра бер, албатта, баҳрингни очиб.
Қайта насиб бўлса, бизлар юрармиз,
Тирик бўлсак бир тепада турармиз,
Ҳаммамиз ҳам бир мамлакат одами,
Оға-ини, зулм билан борамиз.
Бундай ишлар тушар марднинг бошига,
Сира борма золимларнинг қошига!

Балаанд-паст гапириб, бариси кетди,
Сирларёдан ўтди, Тошкентга етди.
Тошкент деганингиз бир катта шаҳар,
Бундан ҳам неча минг мардикор чиқар.
Бир-бирини кўриб кўнглин хуш этиб,
Ода бўлмас бу савдога дуч этиб,
Поезд кетди энди Тошкентдан ўтиб,
Олиб борар кўп элатни чувлатиб,
Бурун-сўнгра юрт қидириб кўрмаган,
Поездда бошлари айланиб кетиб,
Кўриб бораётир қозоқ элини,

Томоша айлаган тоғи, чўлини.
Бир ерда тўхтаса, кўп кун қолади,
Ун беш кундә базўр Самар боради.
Қулоқ солинг мардикорлар сўзига,
Сен ҳам қара дейди ўзи-ўзига,
Сатта тунукали қилган иморат,
Қизариб кўринди булар кўзига.
«Мана энди қарай бергин, қариндош.
Энди бўлсак булар билан аралаш.
Ажаб элга келиб қолдик энди биз,
Сўйлаганда булар билмас тилимиз.
Қандай халқ деб бизни мазах қиларми,
Тушунмасак бизга қийин бўларми».
Бунда турмай энди жўнаб ўтади,
Поезд Қозон, шаҳарига етади.
Поезддан тушганлар мардикор бари,
Ғулғула каттадир Қозоннинг шаҳри.
Хотин кўпдир, кам экан эркаклари,
Неча кун мардикор бу ерда турди,
Яна бир кун йиғилиб поездга минди,
Поезд ёқасида кўриб боради,
Ёғочдан қилгандир қапча иморат,
Қаёққа борарин ҳеч ким билмайди,
Сўйламоққа бунда тоқат қолмайди,
Ҳаммаси бир одам бир-бирига дўст...

Очиқ ер йўқ, ҳамма ерни қор босди,
Совуқдан барининг ақли шошди,
Ҳеч билмайди қандай ерга етишди.
«Энди қаттиқ бўлар кўрган куним, деб,
Яна қайтиб, қолган элни кўрай», деб,
Қаерларга келди, сира билмайди,
Қор билан совуқдан ўзга кўрмайди.
Ҳар шаҳарда айланишиб кўп юрди.
Бир шаҳарга кириб бу поезд турди.
Ғижирлашиб ётган одамни кўрди,
Мардикорни бу поезддан туширди.

Мингбошининг кўнглида бўлак гапи бор: «Пошшо қай-
да туради?»— деб сўрайди.

Тилмоч айтар:— Сен ҳам нодон мусулмон,
Подшо деб ўзингни қилма саргардон.

Подшони сўрайсан, нима қиласан?
Подшо сени қачон эсга олади?!

Кети узилмай элдан мардикор борди.
Борганда ҳар ёққа бўлиб юборди,
Бир нечалар қолди Пенза шаҳрида,
Бир неча бўлиниб Масков шаҳрида.
Бўлиниб, ҳар тоғу ҳар шаҳар кетди,
Бир нечаси ер остида ишлади.
Кенг мамлакат, кўрди, Русия юрти,
Тайёр бўлар борган киши хизмати.
Қанчаси айрилиб узоққа кетди,
Қон тўкилиб ётган ерларга етди.
Энди ўлдик, — дейди феъли озади,
Хизмати шу: борган ўрни қазади,
Бу ерда кунига қанча ўлади,
Ўлган ўликларни йиғиб кўмади.
Аэроплан ғувлаб чиқса ҳавога,
«Ёмон бўлди», — дейди қочар панага.
Бир нечалар ишлар фабрик-заводда,
Қиз-хотин аралаш юрган хизматда.
Бурун-сўнг кўрмаган бундай ишларни.
Жони йўқ машина бунда юради,
Бир кўрган одамлар ҳайрон қолади.
Қаттиқ кун кечириб мусофир юртда,
Мардикорнинг куни ўтар хизматда.
Жуда қалин эди қор ёққан босиб,
Бир неча ўрмонда қарагай кесиб.
Неча ой, неча йил уруш бўлгандир,
Ҳар кунида қанча одам ўлгандир,
Охирида одам камчилик қилиб,
Эркакларни элдан йиғиб олгандир.
Ярамлининг барин урушга олган,
Русияда қари-қартанг қолгандир.
Подшолар йиғилиб урушни қилган,
Ўйла, бизга шундай кулфатни солган.
Подшо турса уруш ода бўлмайди,
Меҳнаткашни ода қилмай қўймайди.
Бу элларда, билсанг, шундай иш бўлган,
Бу юртлар шундайин жабрни кўрган.

Мардикорнинг бир нечаси йўл очиб, бир нечаси ер қа-
зиб окоп тайёрлайди, қанчаси ўрмонда ёғоч кесади. Кун со-

вуқ, қор курайди. Қор кетиб, бу ерда ёз бўлади, деб кўнг-
лига сира келмайди. Кигиз этик, пўстини бори кун кўраё-
тир, сағал усти юқароғини совуқ ураётир, қалин қорда
қаттиқ ишлаб терласа, совуққа шундай қотиб йиқилаётир.
Совуқ озроқ ўтгани тузалиб келаётир, совуқ тоза ўтгани
ўлиб, бир нечасининг оёқ-қўли чўлоқ бўлиб қолаётир. Шун-
дай азобни борганлар кўраётир. Бу ишлар мардикорларга
жуда ботган, ҳаммаси саросима, сарсон. Подшонинг сипо-
ҳилари бошида ҳайбат, сиёсат қилиб турибди.

Қамчи, таёқ уриб турар,
Раҳми келмас кўз ёшига.
Қарамас қилган ишига,
Уради ишчи бошига,
Жон борича рабочилар,
Ўқталар меҳнат ишига.
Дод деганда эшитмайди,
Ўз ҳолига ҳеч қўймайди,
Ўлганга иши бўлмайди.
Тағи қилади гуноҳор,
Азоб кўрсатди баччағар,
Эрта кетиб, кечга келар,
Бўл, ҳа!— дейишиб хўжайинлар
Нечовни совуқ йиқитди.
Нечовнинг келмас қуввати,
Меҳнаткашнинг ундай кунда,
Сира ҳам йўқ эди ҳурмати.
Неча мардикорни урар.
Интилади жондан кечиб,
Бир нечанинг қолмас жони,
Тайсаллар таёқдан қочиб.
Подшолик зулми шулди(р),
Хизматкор ҳоли танг бўлди.
Қайда бўлса жабр кўрди.
Хизматкордан қанча ўлди,
Эрта кетса, оқшом келди.
Куйганидан рабочилар:
— Кўролмаймиз,— дейди,— элни.
Зулм билан зolim подшо,
Сўлдиргандир қизил гулни.
Қани энди бизга берса,
Йўл очилган очиқ кунни.
Жабр ботиб гапиради:

Золимларни йўқ қилгунча,
Биз кўрмасмиз ўсган элни...

Мардикорлар кўзин ёшлар,
Йиғилишганда гап бошлар:
— Кунда бизларни ғам босиб,
Нечовларни ёғоч босиб,
Ўлиги тўқайда сасиб.
Қулоқ сол сўйлаган тилга,
Оқ подшони ўлдирмайин
Биз чиқмаймиз озод йўлга.
Золимлардан ўчни олиб,
Ўзимиздай ишга солиб,
Уларга ҳам азоб бериб,
Шунгачайин бунда туриб,
Ундан кейин элга кетсак,
Кучу ғайрат маълум бўлиб.
Элга яхшилиқни элтсак.
Қани навбат бизга келса,
Ўйсак душманнинг кўзини,
Ўзимиздай изиллатиб.
Дилим бирён, кўзим гирён.
Бизларни айлаган сарсон.
Сарсон қилган золимларни,
Биз қилсак ер билан яксон.
Мамлакат бўлса гулистон,
Қани бўлса шундай замон,
Душманларга берманг омон!

Ҳар ерда, ҳар тўпда шундай гап бўлаётир, бошқа бир тўпга борса, кўп ториқиб,¹ диққатлиги ошиб, бир-бирига қараб, ҳол-аҳволларини сўраб, бу сўзларни айтаётир:

Фалакнинг қавлидан дод билан бедод,
Дунёда кўп тортдик қайғу ҳам кулфат,
Ёз демай, қиш демай қиламиз меҳнат,
Қилган хизматимиз бизларга туҳмат.
Зулмга чидамай дод билан бедод,
Бузилсин, йиқилсин у чархи ношод.
Бунда юриб бўлсак биз ғамдан озод,
Қўнглимизда жилва қилиб кўринар
Эсимизга олсак у юрган элат.

¹ Қисилиб.

Бу мазгилда бир-биримизга суяниб,
 Сўйлашамиз катта-кичик жамоат.
 Шу кундан ҳам бўламизми биз озод?!
 Шу ғамдан қутулиб, кетсак саломат,
 Бўлса бир кун яна бизларга роҳат.
 Элим деса оҳу фиғон айлайди,
 Уйқуси келмайди, оқшом ўйлайди,
 Бола-чақа дейди, мунгли сўйлайди,
 Кунда ишга чиқса, жонин қийнайди,
 Ғубор кунда ер-осмонни билмайди.
 Элим деб эсига олар ҳар замон,
 Кетармиз деб ҳеч кўнглига келмайди.
 Бир-бирига қараб ҳолин айтади:
 «Золим подшо сира жавоб бермайди,
 Тахт устида турса бу золим подшо,
 Бизларни сира ҳам озод қилмайди.
 Юрар эдик Туркистоннинг элида,
 Азоб кўрдик бу золимнинг қўлида.
 Сарғайтади бунда гулдай юзимиз,
 Тўрт қилиб ўяди икки кўзимиз.
 Етим қилиб келиб ўғил-қизимиз,
 Ўлдирмай жўнатмас энди ўзимиз.
 Кун ботгандай бу дунёдан ўтармиз,
 Бўлмаса ўлгунча қонлар ютармиз.
 Агар шундай бўлиб кунни ўтказсак,
 Қоқ суяк бўп бунда йўқ бўп кетармиз.
 Шу аҳволда бу дунёдан ўтармиз.
 Қачонгача заҳар-заққум ютармиз?!»

Шунда илгаридан бекатларда кўп турган, руслар билан аралашиб юрган, емишак ҳам бўлган, руснинг тилини ҳам билган, бу вақтда мардикорларга йўлбошчи бўлиб турган бошчиси буларнинг кўнглини кўтариб, мардикорларга кўп сўзларни айтиб, йўлга солиб юрибди. «Мен бу ерда, руслар орасида аёл-эркак билан гаплашиб юрибман. Булардан эшитаман: уруш кучайиб кетган, ҳамма халқ безор бўлган, кўп одам ўлган. Ўзларининг гапиришига қараганда, буларнинг ичида большевик партия деган бор эмиш. Большевиклар подшонинг қасдига ишлаб, қаттиқ ҳаракат қилаётган эмиш. Подшони тахтидан туширади, подшоликни йўқотади, меҳнаткашнинг замони бўлади, деган гапи бор. Агар шундай замон бўлиб қолса ажаб эмас, ундан кейин омон-эсон элга бориб қолармиз»,— деди. Бу гапга мардикорларнинг

кўнгли кўтарилиб, кўнгли тўлиб, элига бормаса ҳам, боргандай бўлиб, «қани шундай бўлса»,— деб вақти хуш бўлиб қолди. Бу гап буларга ҳам севинч, ҳам қувонч бўлди. Бир нечаларининг кўнглида, эрта билан туриб кета берадигандай бўлиб қолди. Шунда бир неча йигитлар шердил бўлиб бир сўз айтиб турган экан:

Золимнинг додини бермай,
Бошига калтак билан урмай,
Шу тахтидан жудо қилмай,
Сира қайтмам Туркистонга!
Золимга кўрсатмай роҳат,
Большевикдан бўлса қувват,
Қилсак душманга қиёмат,
У куни бўлармиз озод.
Золимларни яксон қилиб,
Уғил-қизин сарсон қилиб,
Шундай куни бунда кўриб,
Меҳнаткашлар ўйнаб-кулиб,
Кетармиз элга бош бўлиб.
Уламан деб қайтиб турма,
Подшо деб сен раъя қилма,
Не ишларни бизга солган,
Ундай кунда туриш борма!¹!
Қўлга илинганни олгин,
Биттанг қолмай ҳарба қилгин,
Шунча халқнинг бари куйган,
Шу халқларнинг бири бўлгин.
Шундай кун бошланиб қолса,
Каттасин ўртага олса,
Тахт остига қоп тўкилса,
Подшо тахтидан йиқилса,
Бизларга мақсад кун бўлар,
Озодлик деб хабар келар.
Эшитинг турган жамоат,
Шунда бизга бахтли давлат,
Омон бориб кўрармизда,
Йиғлаб-сиқтаб қолган элат.
Оғир кунлар ўтиб кетар.
Хизматкорнинг иши битар,
Золим оёғидан йитар,
Меҳнаткаш мақсадга етар.

¹ Борми.